

бир заифҳол ва заифҳол саналгандир. Аммо Аллоҳга қасам ичса, У зот унинг қасамини юзага чиқаради.

Сизларга аҳли дўзахнинг хабарини берайми? Ҳар бир қўпол, саркаш ва мутакаббирдир», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Ҳой, мансаб эгаси!

Ҳой, баъзи илм эгаси!

Ҳой, мол эгаси!

Ҳой, обрў эгаси!

Нега мутакаббирлик қиласан?!

Аллоҳ кўрсатмасин, агар миянгадаги артерия томирларидан бирида қон қуюлиб, қотиб, тромб ҳосил бўлса, бутунлай хотирангни йўқотиб, охири руҳсиз жасадга айланишинг, яъни вафот этишинг мумкин.

Миядаги томирда тромб ҳосил бўлса, нима бўлади?

- фалажлик;
- мускулларни бошқара олмай қолиш;
- ҳаракат қилолмаслик,;
- томоқ мускулларини бошқара олмаслик натижасида ютиниш, таомни ютишнинг қийинлашиши;
- қабзият;
- доимий бош оғриқ;
- хотиранинг йўқолиши;
- тушуниш, фикрлашнинг қийинлашиши;
- ўзини танисмай қолиши;
- оғиз мускулларини бошқара олмаслик;
- гапиришга қийналиш;

- ўқиш, ёзишда муаммоларга дуч келиш ва гапни тушунмаслик.

Биргина нуқтадек қотган қон сабабли қандай аҳволга тушишимизни ўйлаб кўринг!

Унутманг, сиз ҳам, мен ҳам Аллоҳ таолонинг қабзасидамиз. Унинг лутфи, ҳилми остидамиз.

Агар Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлмаганида, мен ҳам, сиз ҳам, барчамиз ҳам йўқ бўлардик!

Шундай экан, ожизлигимизни, бир кун ўлишимизни унутмайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Манбалар:

Islom.uz

Quran.ksu.edu.sa

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади